# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №17

Нурота тумани 13.10.2022 йил

« GOLD EXCLUSIVE - 2020" масъулияти чекланган жамияти «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи раҳбари О.Аҳатов номидан, бир томондан Нурота туман ҳокимлиги номидан Устави асосида ҳаракат қилувчи, кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади рахбар А.Бўриев номидан, иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Сотувчи ўзига тегишли товарни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса ушбу товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 кисмидаги 1 жадвалида курсатилган.

1.3.

| № | Товарнингноми | Улчовбирлиги | Микдори | Бахоси | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Электропечь ARTEL 32 литр | Дона | 47 | 690 000 | 32 430 000 |
| Жами: | | | | | **32 430 000** |

1.4. Товарнинг умумий бахоси 32 430 000 (Ўттиз икки миллион тўрт юз ўттиз минг) ташкил этади.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Шартнома 5 банк куни ичида Сотувчига олдиндан аванс тариқасида 30 фоизи миқдорида пул тўлайди, қолган 70 фоизи тўлаш 10 банк иш кунида амалга оширилади.

2.2. Тўлов шакли: Пул Сотувчининг хисоб рақамига ўтказиш йули билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### Сотувчининг мажбуриятлари:

Шартноманинг 2.1 банди Сотиб олувчи томонидан бажарилган санадан бошлаб товарни 10 банк кун ичида Сотиб олувчига топшириши шарт.

Товарни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Сотиб олувчига топшириш.

Товарни шартнома шартларига жавоб берадиган миқдорда ва сифатда, ташиш жараёнида унинг бузилиши, синиши ёки йук булиши мумкинлигини истисно киладиган даражадаги идишларда ва жойлаштирилган холда топшириш.

### Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

Товарни 2 кунлик муддатда куздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган такдирда, (ёки нобут бўлганда зарар етганда) Сотиб олувчи шу муддатда Сотувчига аникланган номувофиқликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

Сотувчи сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб Товарни алмаштириш учун (муддат) 7 кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган товарни сифатлисига алмаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган хар бир кун учун (мажбурият бажарилмаган кисмининг Товар етказилмаган тақдирда тўланадиган пеня миқдори) 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг(Тўланадиган пенянинг максимал миқдори) 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни кабул килиш хамда уларнинг

ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг Етказилган товарнинг сифати ёмон бўлганда (ундириладиган жарима миқдори умумий суммаинг) 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб куйилган булса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг (ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун тўланадиган пеня) 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг (Тўланадиган пеняни энг юқори миқдори) 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Тарафларнинг жавобгарлик холатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда,моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

Мазкур талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар аниқланганда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига хақли эмас.

## ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 25-32 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқоролик-ҳуқуқий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-1, 212-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган.

Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган холда йул куйилади.

## ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

Томонларнинг хохиш истагига мутлоқо боғлиқ бўлмаган ҳолларда ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли тўлаб берилмаганлиги ёки тўлов суммаси кечиктирилганлиги шартнома шартларини ижро этиши бузилган деб ҳисобланмайди ва ишбу ҳолатда томонларни шартнома бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ холда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган холда хал этилади.

Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари каноатлантирилмаган такдирда, хукуки бузилган деб хисобловчи тараф низони хал килиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган иқтисодий судига мурожаат килишга хакли.

## БОШҚА ШАРТЛАР

Шартнома юридик хизмат кўрсатиш марказидан қонунга мувофиқлиги тўғрисида хуқуқий хулоса олингандан сўнг тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бўлинмасидан ўтган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга деб хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

Шартноманинг амал килиш муддати31.12.2022 йилга қадар этиб белгиланди.

Кушимча шартлар:Қўшимча шартлар.

## ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

| Сотувчи: | Сотиболувчи: |
|---|---|
| « GOLD EXCLUSIVE - 2020" МЧЖ | Нурота туман ҳокимлиги |
| Манзил: Нурота т. М.Рахимов 37 уй | Манзил: Нурота т. М.Рахимов |
| Тел: +99894484-44-40 | Тел:+99890-731-84-35 |
| ИНН:306740848 МФО: 00214 | ИНН:200030962 МФО: 00014 |
| Х.Р: 20208000305125909001 | Х.Р: 305122860122387109602018001 |
| Рахбар О.Аҳатов | Рахбар А.Бўриев |

# NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI HOKIMLIGI

**210700, Nurota t., Islom Karimov sh.k 48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz**


**2022-yil 10- октябр 17 -son**

## ЮРИСТ ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи суъбектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 20,21-моддаларига ва амалдаги бошқа конун ҳужжатлари талабларига асосан "GOLD EXCLUSIVE 2020" МЧЖ 2022 йил 10 октябрдаги 32430000 (Ўттиз икки миллион тўрт юз ўттиз минг сўм) умумий суммадаги №17-сонли шартномани ўрганиш натижалари бўйича қуйидагиларни билдираман:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунн талаблари асосида тузилган (6-модда. Хўжалик шартномасида тарафларнинг ҳуқуқлар, 7-модда. Хўжалик шартномасида тарафларнинг мажбуриятлари, 24-модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги, 35-модда. Шартнома мажбур иятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги.)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекисининг «Шартнома тушунчаси ва шартлари» 353,363-моддалари, «Шартнома тузиш» 364, 381- моддалари, «Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш» 382,385- моддалари, «Неустойка» (жарима ёки пеня) 260, 263-моддалари, (Мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган холларда тўлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима хисобланади.) Ушбу шартнома икки томонлама келишилган ҳолда имзоланиб мухрланган (шартномага кўра икки томонда хам қўшимча ва эътирозлар бўлмаган).

Юқоридагиларни инобатга олиб тарафларга Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни 35- моддаси «Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги» яъни шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, шартнома муносабатлари сохасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда Хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофик фукаролик ҳуқуқий жавобгарликка,Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларининг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилди.

Ушбу шартнома шартларнинг, тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни хал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

**Нурота туман ҳокимлиги**
**бош юрисконсульти** **Э.Э.Ўралов**

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 156254 на приобретение Аёллар дафтарига киритилган аёлларга духовка 32 6

Способ проведения электронный

Дата 10.10.2022

Время рассмотрения 04.10.2022 20:03

Закупочная комиссия Нурота туман хокимлиги (Аёллар дафтари), (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RUSTAMOV SHERZOD NASRIDDINOVICH | Туман ҳокими ўринбосари Танлов комиссия раиси | Нурота туман ҳокимлиги |
| **Секретарь комиссии** | KENJAYEV ULUG'BEK BAXSHILLAYEVICH | Туман ҳокими маслахатчиси комиссия котиби | Нурота туман ҳокимлиги |
| **Член комиссии** | MAHMUDOV OTABEK OCHILOVICH | Нурота туман ҳокимлиги Девонхона мудири аъзо | Нурота туман хокимлиги |
| **Член комиссии** | OXUNJONOV ORIF TOSHPULOTOVICH | Туман хокимлиги бош мутахассиси аъзо | Туман туман хокимлиги |
| **Член комиссии** | URALOV ESHKUVVAT ESHNIYOZOVICH | Нурота туман ҳокимлиги бош юрисконсульти аъзо | Нурота туман ҳокимлиги |
| **Член комиссии** | ABDUXALIMOV ABDURASUL ABDUVALIYEVICH | Нурота туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси аъзо | Нурота туман ҳокимлиги |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.10.2022 года № лота 156254.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Печь микроволновая** |
|---|---|
| Подробное описание | Духовка Подребляемая мошность 1400W, 32 литр |
| Количество товара | 47.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 700 000.00 |
| Стартовая сумма | 32 900 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Таъминотчининг 2021- 2022 йил давомида шунга ўхшаш товарларни етказиб берганлиги тўғрисида маълумот Бажарилган ишларнинг хажми ва сонига караб бал берилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъминотчининг 2021- 2022 йил давомида шунга ўхшаш товарларни етказиб берганлиги тўғрисида маълумот Бажарилган ишларнинг хажми ва сонига караб бал берилади.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО N U R GOLDEN FRUITS** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 20 | Барча тегишли хужжатлар юкланди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Етказиб бериладиган товарларнинг омборхонада мавжудлиги туғрисида асослантирилган маълумот кирим хужжатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб бериладиган товарларнинг омборхонада мавжудлиги туғрисида асослантирилган маълумот кирим хужжатлари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО N U R GOLDEN FRUITS** | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 20 | Юкланди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Банк ва солиқдан карзи йуклиги тўғрисида маълумот (Банк ва Давлат солиқ инспекциясидан олиниши керак), кайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида маълумот, хозирги кундаги молиявий холати тўғрисида маълумот.Ўз балансида асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги тўғрисида маълумот.Маълумотлар тегишли ташкилотлардан олиниб юкланиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солиқдан карзи йуклиги тўғрисида маълумот (Банк ва Давлат солиқ инспекциясидан олиниши керак), кайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида маълумот, хозирги кундаги молиявий холати тўғрисида маълумот.Ўз балансида асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги тўғрисида маълумот.Маълумотлар тегишли ташкилотлардан олиниб юкланиши лозим

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО N U R GOLDEN FRUITS** | 30 | 20 | 25 | Экспертная | | |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 30 | 30 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Етказиб берувчи ташкилотнинг ишчилари тўғрисида маълумот, буйруқ нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб берувчи ташкилотнинг ишчилари тўғрисида маълумот, буйруқ нусхалари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО N U R GOLDEN** | 10 | 20 | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **FRUITS** | | | | | | |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 10 | 25 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО N U R GOLDEN FRUITS** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 Кўрсатилган товарларни сифатли ва белгиланган кундан кечиктирмасдан етказиб бериш учун кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кўрсатилган товарларни сифатли ва белгиланган кундан кечиктирмасдан етказиб бериш учун кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО N U R GOLDEN FRUITS** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 10 | Барча тегишли хужжатлар юкланди | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО N U R GOLDEN FRUITS** | 32 900 000.00 | 32 853 000.00 UZS | 32 853 000.00 | 00.00 | 32 853 000.00 | 04.10.2022 17:40:48 | 9.87124 |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 32 900 000.00 | 32 430 000.00 UZS | 32 430 000.00 | 00.00 | 32 430 000.00 | 04.10.2022 18:45:35 | 10 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO N U R GOLDEN FRUITS** | 81.8181 | 9.87124 | 91.68934 |
| **GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ** | 77.7276 | 10 | 87.7276 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 156254 от 10.10.2022 года на приобретение Аёллар дафтарига киритилган аёлларга духовка 32 6 определила победителем:

OOO N U R GOLDEN FRUITS
306364437

и резервный исполнитель: GOLD EXCLUSIVE - 2020 MCHJ (306740848)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RUSTAMOV SHERZOD NASRIDDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | URALOV ESHKUVVAT ESHNIYOZOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAHMUDOV OTABEK OCHILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KENJAYEV ULUG‘BEK BAXSHILLAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП